

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/04.06.2021.Ped.70.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ**

---

**НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**НОРБЕКОВ АЗАМАТ ОСТАНАҚУЛОВИЧ**

**ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА КОМПЬЮТЕР  
ТАЪМИНОТИ ФАНИНИ ЎҚИТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ  
МЕТОДИКАСИ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (информатика)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қарши – 2021**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Норбекова Азамат Останакулович**

Педагогика олий таълим муассасаларида компьютер таъминоти фанини  
ўқитиш самарадорлигини ошириш методикаси.....3

**Норбекова Азамат Останакулович**

Методика повышения эффективности преподавания предмета компьютерное  
обеспечение в педагогических высших учебных заведениях .....21

**Norbekov Azamat Ostanakulovich**

Methods of increasing the effectiveness of teaching the subject Computer support in  
pedagogical higher educational  
institutions.....41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ List of published works .....45

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/04.06.2021.Ped.70.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ**

---

**НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**НОРБЕКОВ АЗАМАТ ОСТАНАҚУЛОВИЧ**

**ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА КОМПЬЮТЕР  
ТАЪМИНОТИ ФАНИНИ ЎҚИТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ  
МЕТОДИКАСИ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (информатика)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қарши – 2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.PhD/Ped2427 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Навоий давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.qarshidu.uz](http://www.qarshidu.uz)) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Рўзиёв Рауп Аҳмадович физика-математика фанлари номзоди, доцент
Расмий оппонентлар:	Турақулов Олим Холбўтаевич педагогика фанлари доктори, профессор Узақов Заир физика-математика фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Бухоро давлат университети

Диссертация химояси Қарши давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/04.06.2021.Ped.70.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 13 сентябр соат 09:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17-уй). (Тел.: (0375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz). Қарши давлат университети, Педагогика факультети биноси, 301-хона.

Диссертация билан Қарши давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (75 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, кўчабоғ кўчаси, 17-уй. Тел.: (0375) 225-34-13, факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил "11" сентябр кунини тарқатилди (2021 йил "11" сентябр да 9 - рақамли реестр баённомаси).



[Signature]  
Р.Д. Шодиев  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

[Signature]  
И.Б. Камолов  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.ф.д. (PhD), доцент

[Signature]  
Х.О. Жўраев  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д. (DSc), доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда информатика туркумига кирувчи фанларнинг фан ва технология ривожланиши ҳамда жамият тараққиётига ижобий таъсиридан келиб чиқиб, фанни Moodle, LSM, Skillbox, ELS, CMS каби замонавий онлайн тизимларининг имкониятларидан кенг фойдаланиб ўқитиш, бўлажак информатика мутахассисларини компетентлигини шакллантириш ва ривожлантириш масалаларига доир ишлар олиб борилмоқда. Таълим олувчиларнинг ахборот-коммуникация технологияларига оид ижодий қобилияти, креатив фикрлашини ошириш ва касбий компетентлигини ривожлантириш, таълим жараёнини тизимлаштиришда назарий-методологик ҳамда услубий асосларни такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Дунё миқёсида информатика ва ахборот технологиялари мутахассисларини ўқитишда касбий фанларни ўқитишнинг ташкилий-методик асосларини такомиллаштиришда интегратив ёндашувли интерфаол методлар, замонавий дидактик электрон таълим ресурсларни ва педагогик дастурий воситаларни жорий этиш орқали бўлажак мутахассисларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришга қаратилган илмий изланишлар олиб борилмоқда. Тадқиқот натижалари бўлажак информатика ва ахборот технологиялари мутахассисларини касбий компетенцияларини ривожлантириш, фанни ўқитишнинг замонавий тамойилларга асосланган назарий билимларни мустаҳкамлаш, шунингдек, педагогик дастурий воситаларни лойиҳалаш асосида машғулотларни ташкил этишга доир илмий-назарий ишланмалар самарадорлигини ошириш долзарб аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз олий таълим муассасаларида таълим ва тарбия жараёнини самарали ташкил этишнинг янгича ёндашувларини ишлаб чиқиш билан педагог кадрларни тайёрлашда, ахборот-коммуникация технологиялари ва интерфаол методларни интеграциялаш орқали бўлажак мутахассис ўқитувчиларга касбий фанларни ўқитишнинг инновацион шакллари ва усулларини жорий этишга сўнгги йилларда кенг имкониятлар яратилмоқда. “Халқаро стандартлар асосида юқори малакали, креатив ва тизимли фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қилаоладиган кадрлар тайёрлаш, уларнинг интеллектуал қобилиятларини намоён этиши ва маънавий баркамол шахс сифатида шаклланиши учун зарур шарт-шароит яратиш; таълим жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш”<sup>1</sup> каби устувор вазифалар белгиланган. Бу борада, “Компьютер таъминоти” фани машғулотларини олиб боришда дидактик электрон таълим воситалари ва интерфаол таълим технологияларини интеграциялаш билан бирга таълим жараёнини такомиллаштириш ҳамда мустақил таълим олишни фаоллаштиришга қаратилган ахборот-таълим муҳитлари, дидактик онлайн курслар ёрдамида талабалар компетентлигини ривожлантириш тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5847-сонли Фармони. – Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06/19/5847/3887-сон, 09.10.2019 й.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5847-сонли, 2020 йил 28 апрелдаги «Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4699-сонли, 2020 йил 6 октябрдаги «Ахборот технологиялари соҳасида таълим тизимини янада такомиллаштириш, илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва уларни ИТ-индустрия билан интеграция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4851-сонли қарорлари ҳамда бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқотининг натижалари муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Таълимда замонавий ахборот технологияларини жорий этишнинг илмий-назарий асослари, олий таълим муассасаларида фанларни ўқитиш самардорлигини оширишда электрон таълим ресурслар ва интерфаол методлардан фойдаланиш методикаси ҳамда масофадан ўқитиш технологияларини қўллаш муаммоларига оид юртимиз олимлари: А.А.Абдиқодиров, С.Қ.Қаҳҳаров, Р.Д.Шодиев, Р.Ҳ.Жўраев, Г.С.Эргашева, Х.О.Жураев, Н.А.Муслимов каби олимларнинг тадқиқотларида келтирилган; умумий ўрта таълим мактаблари ҳамда касб-ҳунар коллежларида информатика ва ахборот технологиялари фанини ўқитишни такомиллаштиришга доир илмий изланишлар: Ф.Р.Мурадова, И.А.Юлдошев, Н.А.Қаюмова, Д.Э.Тоштемиров, Д.Б.Абдурахимов, А.Г.Ҳайитовларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган; олий таълим муассасаларида информатика туркумига кирувчи фанларга оид электрон ахборот ресурслари, интерактив ўқув мажмуалар, педагогик дастурий таъминотлар яратиш ва уларни жорий қилиш методикаси бўйича М.Ҳ.Лутфиллаев, С.Қ.Турсунов, Б.Б.Мўминов, М.Х.Алламбергенова, А.И.Аширова, М.Р.Файзиева, Т.Т.Шоймардоновлар томонидан илмий изланишлар олиб борилган; бўлажак информатика ўқитувчиларининг методик тизимини такомиллаштириш, касбий компетентлигини шакллантириш ва тайёрлаш мазмунини такомиллаштириш ҳамда ўқув адабиётлари янги авлодини яратишга оид изланишлар Н.И.Тайлақов, Ф.М.Закирова, Б.З.Тўраев, Т.Т.Калекеева, С.С.Бабаджонов, У.А.Насритдинова, Н.А.Отахонов, И.А.Эшмаматов, Н.С.Хайтуллаева, А.Ғ.Эминовларнинг ишларида ўз аксини топган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида бўлажак информатика ўқитувчиларини электрон таълим ресурсларини яратишга ўргатиш методикаси, информатика фанидан талабаларнинг компетентлигини ривожлантириш методикаси, шунингдек, уларни ахборот-технологияларидан фойдаланган ҳолда касбга тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, алгоритмлашга ва дастурлашга

доир компетентлигини шакллантириш методикаси ҳамда информатика туркумига кирувчи фанларнинг ўқитиш назарияси ва амалиётига оид изланишлар А.Д.Онгарбаева, Д.В.Лучанинов, Б.А.Кондратенко, Л.М.Ивкина, Е.В.Киргизова, В.В.Калитина, М.М.Абдуразаков, А.В.Данилькевич, Е.В.Бойков, В.А.Красильникова, Н.Ю.Куликова, С.А.Сушков каби олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Хорижий давлатларда таълим тизимида ахборот-коммуникация технологияларини тадбиқ этиш назарияси, онлайн ўқув курсларини яратиш ва жорий этиш методикаси, ўқувчи-ёшларга дастурлаш технологияларини ўргатиш муаммоларига оид тадқиқотлар Iunia-Cristina, Borza, L.Eidelman, J.Warren, O.Hazzan, N.Ragonis, O.Meerbaum–Salant, M.Armoni, S.Henderson, S.Feiner, A.Berglund, D.Geladze, Hu.Haiqing каби олимлар томонидан амалга оширилган.

Юқорида келтирилган тадқиқотлар, асосан, узлуксиз таълим тизимида информатика туркумига кирувчи фанларга оид электрон ахборот ресурсларини яратиш ва жорий этиш, бўлажак информатика ўқитувчиларини тайёрлашнинг методик тизимини такомиллаштириш, касбий компетентлигини шакллантириш ҳамда мутахассис тайёрлаш механизминини такомиллаштиришга бағишланган илмий тадқиқот ишлари бўлиб, бироқ педагогика олий таълим муассасаларида “Компьютер таъминоти” фанини ўқитиш самарадорлигини ошириш методикаси илмий-назарий тадқиқ қилинмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация иши бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот Навоий давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг И-ОТ-2019-8 «Умумий ўрта таълим мактабларининг табиий (физика ва биология) фанлари учун янги авлод электрон ўқув-методик қўлланмаларини яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** «Компьютер таъминоти» фанини ўқитиш самарадорлигини ошириш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

«Компьютер таъминоти» фанидан касбий компетенцияларини ривожлантиришнинг мотивацион, структур, адаптив босқичлари булутли ва блокчейн технологиялардан фойдаланишни аниқлаштириш;

олий таълим муассасаларида «Компьютер таъминоти» фани машғулотларининг ташкил этишни дидактик ўқув воситалар асосида такомиллаштириш;

бўлажак информатика ўқитувчиларининг фаоллигини ошириш орқали ижодий қобилияти, креатив фикрлаши, касбий компетенцияларини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш;

олий таълим муассасаларида «Компьютер таъминоти» фанидан мустақил ўқув фаолиятини ташкил этишга оид дидактик ўқув ресурсларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** «Компьютер таъминоти» фанини ўқитиш самарадорлигини ошириш методикасини такомиллаштириш жараёни ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** олий таълим муассасалари «Компьютер таъминоти» фанини ўқитиш самарадорлигини ошириш мазмуни, шакли, метод ва воситаларидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мавзусига оид илмий-услубий манбаларни қиёсий таҳлил этиш, педагогика олий таълим муассасалари ДТС, малака талабларни, ўқув-режа ва намунавий дастурни танқидий ўрганиш, анкета-сўров, суҳбат, кузатиш ҳамда тажриба-синов ишларида олинган натижаларни математик-статистик таҳлил усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

«Компьютер таъминоти» фанидан касбий компетенцияларини ривожлантиришнинг мотивацион, структур, адаптив босқичлари булутли ва блокчейн технологиялардан ҳамда вебга йўналтирилган таълим муҳитларидан фойдаланишни график, мультимедиали, гипер боғланишларига устуворлик бериш асосида аниқлаштирилган;

олий таълим муассасаларида «Компьютер таъминоти» фани машғулотларининг ўқув-ташкилий тузилмаси ўқитиш технологиялари, демо график, симулятор, визуал каби дидактик ўқув воситалари креатив компетентлигига кўра тизимлаштириш, интеграциялаш, мослаш, тўлдириш ва бойитиш асосида такомиллаштирилган;

компьютер қурилмалари (йиғиш, созлаш)дан, амалий дастурлардан фойдаланиш (созлаш, ўрнатиш, ўчирилган ва бузилган файлларни тиклаш)га мўлжалланган аралаш ўқитиш (Blended learning), интернет (online learning) ва аудитория (face-to face learning) таълимини индивидуал хусусиятларига кўра



интеграциялаш асосида бўлажак информатика ўқитувчиларининг фаоллигини ошириш орқали ижодий қобилияти, креатив фикрлаши, касбий компетенцияларини ривожлантиришнинг креатив, қисман-изланишли, продуктив, репродуктив даражаларини қўллаш, таҳлил қилиш ва хулосалаш кўрсаткичлари мазмунини ишлаб чиқиш асосида такомиллаштирилган;

олий таълим муассасаларида «Компьютер таъминоти» фанидан мустақил ўқув фаолиятини ташкил этишга қаратилган интерфаол методлар ва рақамли технологиялар асосида ўқитиш моделларини ривожлантириш ва аралаш таълим туридан фойдаланишга оид 3D форматли вебга йўналтирилган онлайн дидактик ўқув ресурслар ҳамда веб-платформа ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

«Компьютер таъминоти» фанидан педагогика олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва талабалари учун ахборот-таълим муҳити яратилган;

«Компьютер таъминоти» фанидан маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларини ўқитиш самарадорлигини ошириш модели ишлаб чиқилган;

талабаларнинг мустақил ўқув фаолиятини электрон таълим воситалари асосида ташкил этиш методикаси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашув, усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами, илмий-услубий журналларда, Олий аттестацияси комиссияси рўйхатидаги журналларда чоп этилган мақолалар, нашр этилган ўқув қўлланма, интеллектуал мулк агентлигидан олинган гувоҳномалар, ўтказилган савол-жавоб, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистика методлари воситасида асосланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таклиф этилган тузилмалар, фойдаланиш алгоритми, ўқитиш самарадорлигини ошириш модели ва педагогика олий таълим муассасаларининг компьютер технологиялари таълимига ахборот-таълим муҳитини жорий этилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бўлажак информатика фани ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнида виртуал таълим технологиялари, уч ўлчовли ўқув воситалари ва педагогик-диагностик дастурий воситалардан фойдаланишга оид компетентлигини ривожлантиришга хизмат қилувчи замонавий педагогик дастурий воситаларни амалиётда тадбиқ этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Педагогика олий таълим муассасаларида «Компьютер таъминоти» фанини ўқитиш самарадорлигини ошириш методикасига оид ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар асосида:

«Компьютер таъминоти» фанидан касбий компетенцияларини ривожлантиришнинг мотивацион, структур, адаптив босқичлари булутли ва блокчейн технологиялардан ҳамда вебга йўналтирилган таълим муҳитларидан фойдаланишни график, мультимедиали, гипер боғланишларига устуворлик бериш асосида аниқлаштиришга оид таклифлар «Дастурлаш» номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 1 мартдаги 110-сон буйруғи, 110-372 рақамли гувоҳномаси). Натижада, бўлажак информатика ўқитувчиларини касбий компетенцияларини ривожлантиришга эришилган;

олий таълим муассасаларида «Компьютер таъминоти» фани машғулотларининг ўқув-ташкилий тузилмаси ўқитиш технологиялари, демо график, симулятор, визуал каби дидактик ўқув воситалари креатив компетентлигига кўра тизимлаштириш, интеграциялаш, мослаш, тўлдириш ва бойитиш асосида такомиллаштириш ҳамда компьютер қурилмаларидан, амалий дастурлардан фойдаланишга мўлжалланган аралаш ўқитиш, интернет ва аудитория таълимини индивидуал хусусиятларига кўра интеграциялаш асосида бўлажак информатика ўқитувчиларининг фаоллигини ошириш орқали ижодий қобилияти, креатив фикрлаши, касбий компетенцияларини ривожлантиришнинг креатив, қисман-изланишли, продуктив, репродуктив даражаларини қўллаш, таҳлил ва хулосалаш кўрсаткичлари мазмунини ишлаб чиқиш асосида такомиллаштиришга оид таклифлардан ХТ-Ф8-025- рақамли «Педагог кадрлар тайёрлаш бўйича психологик-педагогик диагностика назарияси ва амалиётини такомиллаштириш стратегияси» мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 2 августдаги 184/1-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак информатика ўқитувчиларининг ижодий қобилияти ва креатив фикрлашини ривожлантиришга ва педагоглар касбий компетенцияларини оширишга хизмат қилган;

олий таълим муассасаларида «Компьютер таъминоти» фанидан мустақил ўқув фаолиятини ташкил этишга қаратилган интерфаол методлар ва рақамли технологиялар асосида ўқитиш моделларини ривожлантириш ва аралаш таълим туридан фойдаланишга оид 3D форматли вебга йўналтирилган онлайн дидактик ўқув ресурслар ҳамда веб-платформа ишлаб чиқишга оид таклиф ва тавсиялардан И-ХТ-0-19929-рақамли «Таълим қорақалпоқ тилида ўқитиладиган мактабларнинг 8-9 синфлари учун аниқ фанлар бўйича электрон дарслик ва методик тавсия иловасини яратиш ҳамда ўқув жараёнига жорий этиш (математика, информатика)» мавзусидаги инновацион лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 2 августдаги 184/1-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак информатика ўқитувчиларини мустақил ишларини ташкил этиш методикасини такомиллаштиришга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқотнинг назарий ва амалий натижалари 15 та республика, 3 та халқаро форум ва илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 38 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан таркиб топган. Диссертациянинг асосий ҳажми 121 бетдан иборат.

### **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги, амалий натижалари, илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши, диссертациянинг тузилиши ва ҳажмига оид маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Олий таълим муассасаларида «Компьютер таъминоти» фанини ўқитишнинг назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида олий таълим муассасаларида «Компьютер таъминоти» фанини ўқитишнинг ҳозирги ҳолати, фанни ўқитиш самарадорлигини оширишда ахборот-таълим муҳитларининг имкониятлари ҳамда таяниладиган тамойилларга оид таҳлилий маълумотлар келтирилган.

Узлуксиз таълим тизимида, ахборот технологиялари воситаларини кенг кўламда жорий этилиши билан бир вақтда, олий таълим муассасаларида информатика туркумига кирувчи фанлардан талабаларнинг кўникма, малакаларини шакллантириш ва компетентлигини ривожлантиришга оид олиб борилаётган амалий ишлар кўламини кенгайтириш зарурати туғилмоқда.

Педагогик фаолият давомида олиб борилаётган натижалар шуни кўрсатдики, ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш ва фанларни ўқитиш самарадорлигини оширишнинг замонавий усуллари ишлаб чиқиш ҳамда фанларни ўқитишга мўлжалланган электрон таълим ресурсларини лойиҳалаш, уларни амалиётга жорий этишда дастлаб информатика мутахассисларини таёрлаш тизимини такомиллаштириш, яъни информатика туркумига кирувчи фанларни ўқитиш самарадорлигини оширишнинг шакл, усул ва воситаларини такомиллаштириш лозим.

“Компьютер таъминоти” фанининг мазмуни компьютер қурилмалари (микропроцессорлар, оператив хотиралар, қаттиқ магнитли дисклар, она платалар, ток блоклар, аудио ва видео карталар)нинг тузилиши, улардаги ахборотларнинг алмашинуви, ишлаш принциплари, физик хусусиятлари ҳамда дастурий воситаларни ўрнатиш, созлаш (амалий дастурлар, дастурлаш тиллари, амалий пакетлар, мультимедиали иловалар яратувчи дастурий воситалар, график дастурлар)ни ўрганадиган фан ҳисобланади. Демак, “Компьютер

таъминоти” фани педагогика олий таълим муассасаларида бўлажак информатика ўқитувчиларининг касбий фанлари туркумида ўқитиладиган фанларнинг асосий негизи ҳисобланади.

“Компьютер таъминоти” фани дастурлаш тиллари, тармоқ технологиялари, маълумотлар базаси, компьютер графикаси ва веб дизайн, информатика ва ахборот технологиялари, математик амалий тизимлар фанларининг мақсад ва вазифалари, ўқитиладиган амалий, инструментал ва қобик дастурларнинг имкониятлари, уларни ўрнатиш ва созлаш усуллари ҳамда тизимли қурилманинг ўзаро тузилиши, ишлаш принциплари ўргатилади.

Педагогика олий таълим муассасаларида информатика туркумига кирувчи фанларни, хусусан “Компьютер таъминоти” фанини ўқитишда интерфаол методлар ҳамда ахборот-таълим муҳитига жойлаштирилган 3D форматли ўқув воситаларини, виртуал стендлар, виртуал маърузаларни ва диагностик дастурий воситаларни интеграциялаш асосида маъруза, амалий, лаборатория машғулотларни ва мустақил таълимни ташкил этиш методикасини такомиллаштириш зарурияти мавжудлиги маълум бўлди.

Бунинг учун эса қуйидаги туркум муаммоларни бартараф этиш лозим: “Компьютер таъминоти” фанини ўқитиш учун замонавий ўқув восита (виртуал стендлар, видео маърузалар, талабалар билимини баҳоловчи ва назорат қилувчи педагогик дастурий воситалар)ларини ишлаб чиқиш ва уларнинг таълим тизимига жорий этиш; “Компьютер таъминоти” фанини ўқитишга мўлжалланган ахборот- таълим муҳитини яратиш ва уни тажриба-синовдан ўтказиш орқали бўлажак информатика ўқитувчиларини ўқув фаолиятига тадбиқ этиш; талабаларнинг “Компьютер таъминоти” фанидан мустақил ўқув фаолиятини ахборот-таълим муҳитларидан фойдаланиб ташкил этиш методикасини такомиллаштириш; талабаларнинг “Компьютер таъминоти” фанидан ўзини-ўзи баҳоловчи ва назорат қилувчи онлайн тизимини такомиллаштириш.

Бугунги кунда информатика ва ахборот технологиялари соҳасининг ривожланиши ҳамда компьютерни амалий дастурларини такомиллашуви туфайли “Компьютер таъминоти” фанидан талабаларни малака ва компетенцияларини ривожлантириш долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Ушбу муаммоларни бартараф этиш учун “Компьютер таъминоти” фанини ўқиш хусусиятини белгилайдиган асосий қоидаларни, таълим методларини қўллашнинг янгича ёндашувлар ва усулларини ҳамда ўқитиш самарадорлигини оширишда таяниладиган тамойилларни аниқлаштириш, агар лозим бўлса, уларни такомиллаштиришни тақозо этади. Тадқиқот доирасида “Компьютер таъминоти” фанини ўқитиш самарадорлигини ошириш учун илмийлик, тизимлилик ва изчиллик, таълим олишга қизиқтириш, тақдимотли ўқитиш, назария ва амалиёт ўртасидаги боғлиқлик, таълимнинг демократик моҳиятини ошириш, мустақил таълим олиш, ўзини-ўзи баҳолаш ва назорат қилиш, талабаларнинг ўқув фаолиятини бошқаришда мослашувчанлик, фанга оид ўқув маълумотларни мустақил равишда топиш орқали таълим олиш, компьютер

таълимини ташкил этишда ҳамкорлик ва менторлик, мувофиқлик, индивидуал таълим олиш тамойилларига таяниш лозим, деган хулосага келинди.

Диссертациянинг иккинчи «Педагогика олий таълим муассаларида “Компьютер таъминоти” фанини ўқитиш методикаси» бобида педагогика олий таълим муассасаларида “Компьютер таъминоти” фанини ўқитиш самарадорлигини ошириш модели ҳамда маъруза, амалий, лаборатория машғулотларини ва мустақил таълим фаолиятини ташкил этишнинг босқичлари, алгоритм ва тузилмалари такомиллаштирилди.

Мамлакатимизда таълимда ислохотлар масалалари бўйича қабул қилинган стратегик қарорлар йўналишларида ва меъёрий ҳужжатларда рақамли технологияларни, масофавий ўқитишга мўлжалланган таълим платформаларини, булутли технологияларни ва фанларга оид замонавий дидактик электрон таълим ресурсларни лойиҳалаш ҳамда уларни амалиётга жорий этиш муаммосига алоҳида эътибор қаратилган. Ахборот-коммуникация технологияларига асосланган инновацион таълим технологияларни, дидактик воситаларни оммавий ва самарали қўллаш орқали таълим тизимини рақамли технологияларга мослаштириш зарур. Бунинг учун дастлаб информатика ва ахборот технологиялари соҳаси мутахассисларини тайёрлаш тизимини такомиллаштириш талаб этилади. Шунинг учун бу изланишлар бўлажак информатика ўқитувчиларини касбий фанлардан, хусусан “Компьютер таъминоти” фанини ўқитиш самарадорлигини ошириш, тадқиқот объекти сифатида белгиланди. Ушбу тадқиқотни самарали амалга ошириш учун бўлажак информатика ўқитувчиларининг “Компьютер таъминоти” фанидан кўникма, малака, компетенцияларини шакллантириш ва ривожлантириш, креатив фикрлашини оширишнинг янгича ёндашувларини ишлаб чиқишни талаб этади.

“Компьютер таъминоти” фанидан янгича ўқитиш ёндашувларини ташкил этиш учун дидактик-замонавий электрон таълим ресурсларини ва интерфаол методларни интеграциялаш ёрдамида ўқитиш методикасини лойиҳалаш ҳамда уларни тажрибадан ўтказиш орқали ўқув-фаолиятига жорий қилишни талаб этади. Бунинг учун эса дастлаб ўқитиш самарадорлигини ошириш моделини ишлаб чиқиш лозим. Тадқиқот доирасида “Компьютер таъминоти” фанини ўқитиш самарадорлигини ошириш модели ишлаб чиқилди (1-расмга қаранг).

**“Компьютер таъминоти” фанини ўқитиш самарадорлигини ошириш модели**



**1-расм. “Компьютер таъминоти” фанини ўқитиш самарадорлигини ошириш модели**

Келтирилган моделда, талабаларнинг “Компьютер таъминоти” фанидан машғулотларни ташкил этишда аралаш таълим (blended learning) туридан фойдаланиш тавсия этилган.

Аралаш таълим бугунги кунда тобора оммалашиб бораётган ўқитиш шаклларида бири ҳисобланиб, ўқитиш жараёнида талаба ахборот-таълим муҳитлари, таълим платформалари ва google хизматларидан фойдаланган ҳолда мустақил таълим олади, агар тушунмайдиган саволлар туғилса гуруҳ бўлиб онлайн ва оффлайн маслаҳатлашиб, улар профессор-ўқитувчи томонидан ёрдам кўрсатилади. Гуруҳли машғулотлар давомида аралаш таълимнинг қўлланилиши туфайли ҳар бир талаба ўқув маълумотларини ўзлаштириш жараёнида, ўзида рўй бераётган ижобий ўзгаришларни намоён этган ҳолда мулоқот кўникмаларини ўзлаштириб боради. Ўтилган ўқув-маълумотларни такрорлайди ва янги мавзунини ўрганиш учун тайёрланади. Аралаш таълим кўп ҳолатларда топшириқларга таянади ва асосий, муҳим маълумотлар негизида ташкил этилади, қўшимча маълумотлар эса талабага онлайн платформалар, ахборот-таълим муҳитлари орқали тарқатилади. Талаба ушбу муҳитлардан фойдаланиб мустақил таълим олар экан, гуруҳнинг аъзолари билан онлайн режимда ташкил этилаётган муҳокамада иштирок этиш билан ҳамкорлик қилади.

Аралаш таълим ўзида қуйидаги Европа таълими моделларини жамлайди: 1. Масофавий таълим (distance learning). 2. Аудитория таълими (face-to face learning). 3. Интернет таълими (online learning). 4. Узлуксиз таълим (lifelong learning). Бу шаклдаги таълим қуйидаги шахслар учун ниҳоятда аҳамиятлидир: иш вақти қатъий тартибга солинмаган соҳаларнинг ходимлари; ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олишлари лозим бўлган корхона ва ташкилотларнинг ходимлари.

Аралаш таълимнинг юқорида келтирилган имкониятлари қулайлиги, бўлажак информатика ўқитувчиларини тайёрлашда касбий фанларни, жумладан “Компьютер таъминоти” фанини ўқитишда қўллаш самарали ҳисобланади.

“Компьютер таъминоти” фанидан аралаш таълимнинг умумий хусусиятларидан бири шундаки, ўтиладиган мавзулар қисман онлайн режимда, қисман таълимнинг бошқа усуллари билан фойдаланган ҳолда ташкиллаштирилади. Яъни, турли хил ўқитиш усуллари бир-бири билан уйғунлаштирилади. Бошқача қилиб айтганда, талабалар “Компьютер таъминоти” фанидан онлайн олган билимларини бевосита аудиторияда олган билимлари билан тўлдирилади. Шу боис, “Компьютер таъминоти” фанини ўқитиш самарадорлигини ошириш учун тадқиқот доирасида **comp-edu.uz** ахборот-таълим муҳити яратилди.

Яратилган ахборот-таълим муҳитида “Компьютер таъминоти” фанини ўқитиш самарадорлигини оширишга қаратилган электрон таълим ресурслар (видео маърузалар, тақдимотли дастурлар, виртуал стендлар, ўргатувчи дастурлар, электрон тренажёрлар, 3D ўлчамли ўқув воситалар, талабалар билимини баҳоловчи ва назорат қилувчи педагогик дастурий воситалар) мужассамлаштирилган бўлиб, қуйидаги имкониятларни амалга оширади: маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларини онлайн тартибда ўтказиш; тармоқ орқали лойиҳа ва гуруҳ ишларини муҳокама қилиш; мустақил топшириқларни онлайн тартибда олиш ва топшириқларни жўнатиш; профессор-ўқитувчидан онлайн режимда маслаҳат олиш; ўзини-ўзи мустақил

баҳолаш; ўтказиладиган оралик, якуний назоратлар ва турли лойиҳаларни онлайн тартибда бажариш.

Шу билан бирга куйидаги афзалликларга эга: асинхрон ўқитишга мўлжалланганлиги; кўп қамровли ва кўп функциялилиги; хоҳлаган жойда ва вақтда таълим олишга мўлжалланганлиги; фанни тўлиқ ўзлаштиришга мўлжалланган электрон ўқув ресурслар мужассамлашганлиги; тескари алоқа мавжудлиги (профессор ўқитувчи ва талабанинг ўзаро маълумот алмашилиши); талабанинг мустақил равишда ўзини-ўзи баҳолашга мослашганлиги; талабаларнинг компетентлигини шакллантириш ва ривожлантиришга мўлжалланганлиги.

Информатика ва ахборот технологиялари соҳасининг тараққиёти ва такомиллашуви туфайли, компьютернинг амалий ва инструментал дастурларини қўлланилиш имкониятлари кенгайиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, узлуксиз таълим тизимида, жумладан, олий таълим муассасаларида информатика ва ахборот технологиялари соҳасига оид мутахассисларни тайёрлашда ўқитиладиган касбий фанлардан машғулотларни ташкил этиш методикасини такомиллаштиришни тақоза этади.

Олиб борилган тадқиқот ҳам айнан ушбу муаммолар доирасида бажарилганлиги билан аҳамиятлидир. Тадқиқот педагогика олий таълим муассасаларида бўлажак информатика ўқитувчиларини тайёрлашда, ўқитиладиган касбий фанлардан, хусусан, “Компьютер таъминоти” фани машғулотларининг ташкил этиш методикасини такомиллаштиришни мақсад қилиб белгилайди. Бу фан машғулотларини замонавий фан ютуқлари ва инновацион технологиялар соҳасида олиб борилаётган изланишлар натижасида эришилган натижаларни эътиборга олган ҳолда ахборот технологиялари воситасида моделлаштирилган виртуал таълим техенологиялари, видео маърузалар, электрон тренажёрлар, ўргатувчи ва тақдимотли дастурлар, 3D форматли ўқув воситалар ва интерфаол методларни уйғунлаштириш ёрдамида машғулотларни ташкил этиш методикаси такомиллаштирилди.

Бўлажак информатика ўқитувчиларини тайёрлашда, “Компьютер таъминоти” фанидан аудиторияда олиб борилаётган машғулотлар билан бирга талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш методикасини такомиллаштириш муҳим масалалардан бири ҳисобланиб, тадқиқот доирасида талабаларни мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш модели ишлаб чиқилди (2-расмга қаранг).

Таклиф этилаётган модел талабаларни “Компьютер таъминоти” фанидан мустақил ўқув фаолиятини ташкил этишда, аралаш таълим туридан фойдаланишни назарда тутди. Бунда асосий элемент сифатида талабаларнинг мустақил ўқув фаолиятида ахборот-таълим муҳитидан фойдаланиши ҳамда улар компетентлигини ривожлантиришга қаратилган топшириқларни бериш мақсад қилиб қўйилган.





Бу ўринда моделдан самарали фойдаланиш мақсадида **comp-edu.uz** ахборот-таълим муҳити яратилди. Яратилган ахборот-таълим муҳити талабаларнинг “Компьютер таъминоти” фанидан мустақил ўқув фаолиятини ташкил этишда қўйидаги имкониятларни беради: топшириқларни тингловчиларга тезкор тарзда етказиш, интерактивлик ва тезкор тескари алоқа; қизиқтирган саволлар бўйича маълумот олиш учун турли хил қидирув тизимларидан фойдаланиш; фойдаланувчилар учун мулоқот қилиш ва маълумот тўплашда зарур бўлган кўникма ҳамда малакаларни шаклланиши; олинган билимларни таҳлил ва синтез қилишга ўрганишни; талабалар компетентлигини ривожлантиришга қаратилган ўқув-топшириқларнинг мужассамлашганлиги; турли хил маълумот манбаларига кириш ва танлашни таъминлайди; машғулотларда олган билим, кўникма ва малакаларини мустаҳкамлайди; айрим сабабларга кўра ўзлаштираолмаган мавзуларни мустақил равишда ўзлаштириш; ўзини-ўзи мустақил равишда баҳолашни.

Тадқиқот доирасида яратилган **comp-edu.uz** ахборот-таълим муҳитини юқорида келтирилган имкониятларини ҳисобга олган ҳолда педагогика олий таълим муассасаларида информатика ўқитувчиларини тайёрлашда, ўқитиладиган касбий фанлардан, хусусан, “Компьютер таъминоти” фанидан кундузги, кечки ва сиртдан таълим олувчиларнинг мустақил ўқув фаолиятини самарали ташкил этишда муҳим методик таъминот бўлиб хизмат қилади.

**«Педагогик тажриба-синов ишларининг натижалари ва уларни самарадорлиги»** номли учинчи бобида, тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган методика самарадорлик даражасини аниқлашга қаратилган тажриба-синов ишларининг натижалари келтирилган. Тажриба-синов ишлари 2019-2021 йилларда Жиззах давлат педагогика институти, Нукус давлат педагогика институти ва Навоий давлат педагогика институтларининг 1-босқич “Математика ва информатика” таълим йўналиши ва 2-3-босқич “Информатика ўқитиш методикаси” таълим йўналиши талабалари ҳамда “Информатика ўқитиш методикаси” кафедрасининг профессор-ўқитувчилари жалб этилди. Бунда 818 нафар талаба ва 98 нафар профессор-ўқитувчи иштирок этди.

Тажриба-синов ишлари тўрт босқичда, яъни ташхис ва башорат қилиш, ташкилий-тайёргарлик, амалий ва умумлаштирувчи босқичларда олиб борилди.

“Компьютер таъминоти” фанидан тажриба-синов ишининг ташхис ва башорат қилиш босқичи 2018 йилда амалга оширилди. Ушбу босқичда илгари сурилаётган тадқиқотнинг мақсади, объекти, предмети ва вазибалари

белгиланди ҳамда мавзуга оид илмий-услубий манбалар таҳлил қилиниб, тажриба-синов ўтказиладиган педагогика олий таълим муассасалари объект сифатида белгиланди.

